

ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

(Давоми. Бош 1-бетда).

Иқтисодий ислохотлар йўлида кўп иш қилинди. Хусусий мулкчилик турмушимизга дадил кириб келмоқда. Хозирча 7 мингтадан кўпроқ саноат корхонаси, хизмат соҳаси ва қишлоқ хўжалик корхоналари хусусийлаштирилди. Давлатга қарашли уй-жойларнинг ҳаммаси шу йил тўла-тўқис хусусийлаштирилди.

Катта иқтисодий заҳирага эга бўлган ва Европа-Осиё қитъасида стратегик жиҳатдан муҳим жўроқ-фий-сийнинг ўзини ағаллаб турган республикамиз ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиб, иқтисодий салоҳиятимизни узлуксиз ривожлантиришда, ислохотлар ўтказишда ва иқтисодий-иқтисодий тузилганини қайта қуришда давлатимизга кўмак беришни тарафдори бўлиб турибди. Хозир бу ерда сармоя ва олинси кўлаб маблағ сарфлаш учун ҳамма шароит бор. Бу маблағ ва сармоялар салмоқли самара бериши шубҳасиз.

Ҳўш, бизнинг тасарруфимизда нима бор, савдо-саноат доираларига, ишбилармонларга ва барчага мақбул халқаро меъёрлар доирасида биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи ҳамма кишиларга нима лари ни тақдир қила оламиз? Менга ажратилган вақт доирасида бу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламан.

1. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми юзасидан дунёда саниқлини ўрнида ва аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш жиҳатидан бешинчи ўринда турибди. Мамлакатда топишган 30 та олтин конининг жами таъминоти 4000 тоннадан ошди. Аммо уларнинг атиги 10 тасидан фойдаланилмоқда. Ўзбек олтинининг сифати дунёдаги олтин андозаларга мос келади, кейинги йилгир-

ма йил мобайнида унинг сифати ҳақида шикоят тушгани йўқ. Сунги икки йилда эса уч марта халқаро сифат соврини билан тақдирланди.

Ўзбекистонда катта заҳирага эга бўлган ўттизта уран кони бор. Ҳар йили 80 миң тонна мис қазиб оламиз, Ўзбекистондаги мис заҳиралари бехисоб, кўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа стратегик муҳим нодир металлларнинг йирик конлари ҳам бор.

2. Ўзбекистон ривожланган қудратли энергетика базасига эгадир. Аниқланган газ заҳиралари салкам икки триллион куб метрни ташкил этади, кўмир заҳиралари икки миллиард тоннадан ошди, 140 тадан кўпроқ нефть кони бор. Кейинги икки йил ичида очилган нефть ва газ заҳиралари энергия воситалари билан ўзимизни таъминлаш ҳақидагина эмас, ўларнинг ҳат эллага сотиш қанда ҳам таъминоти имконини беради.

3. Пахта — бизнинг асосий бойлигимиз экани ҳаммага маълум. Бутун Марказий Осиё икки миллион тоннага яқин пахта толаси етиштирибди бўлса, шунинг 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистонга тўғри келади. Ўзбекистон пахта етиштириш жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Бизнинг пахтаимиз Европа, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бажонидил харид қилинади.

Бу соҳадан ҳамкорликнинг асосий йўналишлари — пахтан тўла қайта ишлашга эришишдан ва шу индустрия хом ашёни ҳақон бозорига мақбул тарзда чиқариб сотишдан иборат.

4. Ўзбекистон собиқ Совет Иттифқидан барча мева-сабзавотнинг 60 фоизигача бўлган қисмин етиштириб, СССР мавжуд бўлган даврда сабзавот ва мева етказиб берувчи асосий манба

бўлган эди. Хозир ҳам йилда 5 миллион тоннагача мева ҳосили олаётган мамлакатимиз бу соҳада ҳамкорлик қилишга тайёр. Биздаги сабзавот ва мева-ларнинг кўпи ўзининг таъми жиҳатидан ноёб ҳисобланади.

Бизнинг бу тармоқдаги асосий манфаатларимиз — мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлайдиган, сақлайдиган, ташиб берадиган, ўраш материаллари тайёрлайдиган корхоналар барпо этишдир.

5. Бизнинг мамлакатимиз транспортнинг ривожланган ички қўмақи соҳаларига эгадир. Бироқ Ўзбекистон халқаро транспорт йўлларини ривожлантиришга жуда муҳтож. Қўшни мамлакатлар билан икки томонлама, шунингдек иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик дунёдаги асосий транспорт йўлларига, шу жумладан денгиз йўлларига чийиш мақсадини кўзлайди.

Биз транспорт қатнови тармоғини кенгайтириш юзасидан Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия, Хитой билан бир қанча битимлар тугатганмиз. Олмония фирмалари билан автомобилда юк ташишни ривожлантириш соҳасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Замонавий алоқа воситалари тармоғини барпо этишда Ўзбекистон Япония, Олмония, Туркиянинг бир қанча фирмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Аммо ҳали бу соҳада ва аввало алоқанинг истиқболли турларини ривожлантиришда жуда катта имкониятлар бор.

6. Ўзбекистон сайру саёҳатни ривожлантириш учун алоқибий имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Қадим замоналарда «Буюк йил» шу шаҳарлар орқасида ўтган. Республика худуди

да тўрт мингтадан кўпроқ монументал меъморлик ёдгорликлари бор, уларнинг кўллари ЮНЕСКО муҳофафазасига олинди — табиат-иқлим шароитлари саёҳатчиларни қишин-ёзин қабул қилиш имконини беради.

7. Кенг ҳамкорлик, барқарор иқтисодий алоқалар банк, суғурта муассасаларининг замонавий тармоғини, молия-пул тизимини ислох қилишни талаб этади, албатта. Республикада хорижий сармоя иштирокида банклар таъсис этиш имконияти қонун йўли билан белгиланган бўлибди.

Биз билан Швейцария (ЮБС, кредитсис), Олмония (дойчебанк) банклари ўртасида иш юзасидан яқин алоқалар ўрнатилган, биз валюта тарзидаги олтинимизни гаров қилишга шай бўлибди, Европада тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда жаҳон банки билан ҳам алоқамиз бор. Бу соҳа учун мухталислар тайёрлашга алоҳида аҳамият берамиз.

8. Орол муаммоси мамлакатимизга ёни Марказий Осиёгагина таллуқли бўлиб қолмай, жаҳоншумул муаммо ҳамдир. Оролбўйидаги экология вазиятининг мушкуллашувчи оқибатлари бутун ер курашига таъсир қилишни мумкин. Бизга берган ёрдамлари учун Олмония ҳукумати, турли мамлакатлардаги ҳукуматлар қарашли бўлмаган бир қанча ташкилотларга ташаккур билдиришимиз шарт. Шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятининг куч-қайратларини бириштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу кунда эртага бундан ҳам муҳаббатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Мухтарам хонимлар ва муҳтарам жаноблар! Ўзбекистон Республикаси амалий ҳамкорларга ҳурмат ва ишончга асосланган тенг, ўзаро, манфаатли ҳамкорликка тайёр. Ҳозир республикада хори-

жий фирмалар билан биргаликда ташкил этилган минтақа яқин корхона ишлаб турибди. Американин «Ньюмонт», Олмонининг «Мерседес-бенц» ва «Сименс», Жанубий Корейнинг «ДЭУ» ва «Самсунг», Япониянинг «Мицубиси», Франциянинг «Эльф-акитен» каби жаҳонга машҳур компаниялари, Туркия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этганлар ва барпо этмоқдалар.

Биз Ўзбекистон билан узоқ мuddати алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар учун жуда қулай шароит яратиб беришга шай бўлиб турибмиз, чунки иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омилли эканига ишончимиз қомил.

Ташқи сийбатиимизнинг асосий йўналишлари ва қондалари ҳақида икки оғиз сўз. Биз энг катта халқаро ташкилотларга, шу жумладан БМТга, қўшмалик ҳаракатига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга, халқаро молия муассасаларига аъзо бўлдик. Ташқи сийбатиимизга суверенитетини ҳурмат қилиш, барқарорлигини ва ички ишларга аралашмасликни ҳимоя қилиш, атом қуролни ва бошқа турдаги оммавий қирғин воситаларини тақиқлаш ва оммалаштирилмаслик қондалари асос қилиб олинган. Биз тақовузкор коммунистик ақидапарастликка барҳам бердик ва минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарнинг тарқатиш йўлидаги уришларга қатъий қарши турамиз.

Тожикистондаги ва унинг атробидаги аҳвол бизни жуда ташвишлантирмоқда. Тожикистондаги фуқаро урушининг хатарли оқибатларини бартафр этиш юзасидан БМТ номига қилган мурожаатимизга амалий

жавоб берган БМТ Бош қотиби Бутрос Галии жанобларидан миннатдоримиз. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда Европа тожик халқининг бошига тушган қулдатга бепарво қарамоқда. МДХ мамлакатлари ўртасида чегаралар йўқлиги эътиборга олинса, бу ердаги воқеаларнинг салбий тарзда ривожланиши Афғонистондан ва бошқа қўшни мамлакатлардан наркотик моддалар ва қурол-яроқ экспорти кўпайишни билдиради. Аслида наркотик моддаларни Шимолга ташиш учун кўпирк жужуда келади. Бу эса Европа учун таҳликали муаммоларни келтириб чиқармоқда ва келтириб чиқармоқда.

Бутун минтақада, шу жумладан Афғонистонда барқарорлиқни таъминлаш Тожикистондаги барқарорлиқнинг омилларидан бири эканини тушунамиз. Ўзбекистон ҳукумати мана шундай барқарорлик шароитини яратиш учун Афғонистон, Эрон, Туркия, Хитой билан ва Покистон билан яқин қўшничилик муносабатларини изчиллик билан йўлга қўйиб келмоқда. Биз Тожик шаҳрида доимий ишлайдиган кенгаш тузиллишини муҳофизат қилишга тайёрмиз. Унда ишлаш учун минтақа мамлакатларининг вакиллари, шунингдек манфаатдор давлатлар ва ташкилотлардан кузатувчиларни тақдир қилиш мумкин бўлур эди.

Назаримда, бундай кенгашининг тузилиш одамларнинг муносив ва осойишта яшаш учун, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ўтказиш ва мустақамлашни бораётган демократик метёрларни қўллаб-қувватлаш учун шароитини таъминлаш йўлида биргаликдаги сый-ҳаракатларнинг асоси бўлур эди.

Эътиборингиз учун ташаккур. Саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ МАТНИДА ҚўЛЛАНГАН АТАМА ВА ИБОРАЛАР РўЙХАТИ

Маълумки, ҳаётимизнинг Бош қонун бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йилнинг 8 декабрда Республика Олий Кенгашининг XII қақриғи XI сессиясида қабул қилинди.

Конституция матнидаги атама ва иборалар барча бирдек тушунарли бўлиши учун расмий ҳужжатларда, иш юртида, дарслик ва қўлланмаларда, матбуот ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги расмий хабарларда айнан берилиши лозим. Шуларни ҳисобга олиб, Конституцияда қўлланган атама ва ибораларни чоп этишга қарор қилдик.

РУСЧАСИ	ЎЗБЕКЧАСИ
агрессия	— тақовуз
адвокатура	— адвокатура
административное зыскание	— маъмурий жао
административно-территориальное устройство	— маъмурий-худудий тузилиш
аккредитация	— аккредитация
аккредитованный дипломатический представитель	— аккредитациядан ўтган дипломатик вакил
акт	— ҳужжат; акт
активность	— фаоллик
акт гражданского состояния	— фуқаролик ҳолати акти
акт судебной власти	— суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар
альтернативная служба	— муқобил хизмат
амнистия	— амнистия
антиконституционность	— конституцияга хилофлик
аппарат исполнительной власти	— ижро этувчи ҳокимият девони
аппарат Олий Мажлиса	— Олий Мажлис девони
банковская система	— банк сиймаси
банковский вклад	— банкка қўйилган омонат
благотворительная деятельность	— хайрия фаолияти
брак	— никоҳ
бюджет	— бюджет
валюта	— валюта
верительная грамота	— ишонч ёрлиғи
верховенство	— устуллик
Верховный главнокомандующий Вооруженными Силами	— Қуролли кучлар Олий бош қўмондони
Верховный суд	— Олий суд
ветеран	— фахрий
взаимная оборона	— бир-бирини мудофаа қилиш
взаимные права	— бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ
взаимное ответственность	— бир-бирига бўлган бурчлар
внебюджетный фонд	— бюджетдан ташқари жағмарма
воинское звание	— харбий унвон
вооруженные силы	— қуролли кучлар
высшие выборы	— умумхалқ сайлови
высшее командование	— олий қўмондонлар
высшие органы власти	— олий ҳокимият органлари
высший хозяйственный суд	— олий ҳўжалик суди
гарантия	— кафиол
Генеральный прокурор	— Бош прокурор
Герб	— герб
Гимн	— мақфия
глава государства	— давлат бошлиғи
главное судебное разбирательство	— судда ошқора қўриб чиқиш
голосование	— овозга қўйиш
государственная власть	— давлат ҳокимияти
государственная медицинская комиссия	— давлат тиббий комиссияси
государственное устройство	— давлат тузилиши
государственность	— давлатчилик
государственный бюджет	— давлат бюджет
государственный комитет	— давлат қўмитаси
государственный контроль	— давлат назорати
государственный орган	— давлат органи
государственный символ	— давлат рамзи
государственный суверенитет	— давлат суверенитети
государственный язык	— давлат тили
гражданин	— фуқаро
гражданский мир	— фуқаролар тинчлиғи
гражданство	— фуқаролик
грамота	— ёрлиқ
группа	— гуруҳ
гуманное демократическое правовое государство	— инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат
демократия	— демократия
демонстрация	— намойиш
надежно-кредитная система	— пул-кредит тизими
даннонация денонсац	— данонсация (барвант тўхташи)
депутат	— депутат
дипломатия	— дипломатия
договор	— шартнома
документ	— ҳужжат
долг	— бурч
должностное лицо	— мансабдор шахс
духовная сфера	— маънавий соҳа
единоначалие	— яна бошчилик
закон	— қонун
законность	— қонунийлик
законотворительная власть	— қонун чиқарувчи ҳокимият
законотворительная инициатива	— қонун инициативаси
законотворительные работы	— қонун лойиҳалари тайёрлаш
заместитель	— ўринбосар
зарегистрировать	— рўйхатдан ўтказмоқ
идеология	— мафкура
избирательная система	— сайлов тизими
избирательный округ	— сайлов округи
информация	— ахборот
исполнительная власть	— ижро этувчи ҳокимият
кандидат в депутаты	— депутатликка номзод
кандидатура	— талабнави унвон
квалификационное звание	— қўмита
комитет	— қўмита
коммунальное хозяйство	— қўмита
компетентный орган	— қўмита
конституционный строй	— конституциянинг тизими
кооперативная организация	— кооператив ташкилот
координация	— мувофиқлаштириш
кредит	— кредит
личность	— шахс
льгота	— имтиёз
массовые беспорядки	— оммавий тартибсизликлар
межгосударственные отношения	— давлатларaro тузилмалар
межпарламентские связи	— парламентларaro алоқалар
местные органы	— маҳаллий йиғинлар
мирное урегулирование	— тинч йўл билан ҳал этиш
митинг	— митинг
многопартийность	— кўп партиячилик
мобилизация	— сафарбарлик
назор	— назорат
налог	— солиқ

ЯНГИ УСУЛ АФЗАЛЛИГИ

Мақаб ўқувчиларининг битирув имтиҳонлари нқоқсига етди, олий ва ўрта махсус ўқув юртида қабул имтиҳонлари бошлангича ҳам саноқли кўлар қолди. Бу йилги қабул эса тест усули билан ўтди. Жумҳурия-тимиздаги барча университетлар ва институтлар янги қабул ишларига қизини киритган. Мухбиримизнинг Тошкент давлат II тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳоид КАРИМОВ билан бўлган суҳбати шу мавзуга бағишланди.

Ҳоид Кейнович, таълим соҳасида реинжинг, тест сингари тушунчалар кириб келди. Шу ҳақида фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз. — Таълим тизими кўп йиллар мобайнида собиқ марказининг буйруғи билан, йўл-йўриғи билан амалга оширилди. Илгари таълим даражаси асосан учта омилга — ўқув-методик ишларнинг савияси, олий ўқув юрти моддий-техника база-сининг даражаси ва ўқитувчилар маала маҳоратига боғлиқ тарзда белгиланди. Бу омилар яқин йўлга қўйилган олий ўқув юртида ишлар «беш» ҳисобланади.

Истиқлол сари юз тутган Ўзбекистон Республикасида қисқа муддатда янги ўқув концепцияларини яратиш боасида анчагина ишлар қилишга муваффақ бўлиди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тиббиёт институтлари ректорлари расматининг ташаббуси билан янги олий тиббиёт таълими тизими шайлаб чиқилди. Ўтган йили Республикаимиз Президенти фармонида кўра бир қанча олий ўқув юртиларига талабаларни тест синовлари усули билан қабул қилиш жўриқ этилиди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Институтимизда тест йўли билан талабалар билимини баҳолаш ҳаракатлари ўтган йилдан бошланди. Ўқитувчилар жамоасига бу усулнинг афза-ликларини ўргатиш мақсадида махсус семинарлар ташкил этилди. Семинарларга тақдир этилган.

мазкур соҳанинг билимдонлари бўлган олимлар ўқитувчиларга янги усулга ўтиш йўл-йўриқларини ўргатдилар. 1992—1993 ўқув йилида ҳамма курслардаги бағи имтиҳонларда тест усули қўлланилди.

Витирувчи талабаларнинг давлат имтиҳонларини ҳам тест усулида ўтказишга қарор қилдик. Бу усул қозғос-босмахона харажатларини кўп талаб қилгани учун компьютер синфларини 15 тага кўпайтирдик. Бу болада бошқа мамлакатларнинг жумладан АҚШнинг Иллиной университети тажрибаларидан кейн фойдаланамиз.

Талабалар билимини баҳолашда рейтинг усулини биринчи курсда қўллаш бошладик. Талаба билими, давомати, жамоат ишларида иштироки бўйича маълум балли жамлайди. Ким юқори балл жамласа, имтиҳон топширишдан овоз қилиниши ҳам мумкин.

— Яқинда институтнинг бир гуруҳ мухталислари АҚШдаги йирик тиббиёт муассасаларида бўлиб қайтишди. У ерда тиббиёт мухталисларини тайёрлаш ишлари қай даражада. Шу ҳақида таъдир берсангиз?

— Америка Соғлиқни сақлаш иттифонии вакиллари республикамизда бўлиб, тиббиёт соҳасида ҳамкорлик қилиш ва амалий ёрдам бериш учун институтимиз клиникасини ташлашган. Ўтган йили ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморан-


дум имзоланганди. Биз Чикаго ва Сиэтл шаҳарларидаги йирик тиббиёт институтлари ва клиникаларида бўлидик, уларнинг иш усулларини билан ўқув ва илмий ишларнинг қандай ташкил этилгани билан танишдик. Тиббиёт институтларида ўқиш-ўқитиш ишлари энг замонавий аппаратуралар, тиббий анжомлар ёрдамида амалга оширилиши диққатга сазовордир.

Америкада шифокорлар тайёрлаш узоқ давом этади. Талаба тўрт йиллик коллежни тугатган, яна тўрт йил тиббиёт университети қошидаги махсус коллежда ўқийди. Шундан сўнг тўрт йиллик резидентура босқичига ўтади. Бу биздаги клиник ординатура, интернатура каби босқичларга ўхшаб, фақат тиббий билим берилади. Шу туфайли ҳам АҚШ тиббиёти жуда тараққий этган.

Жорий ўқув йилидан бошлаб институтимиз кўп босқичли таълим тизимига ўтди. Бу тизим бўлгуси шифокорнинг чуқур билими, кенг мушоҳадали бўлиб етишувига халим яратди.

— Сиз замона Евротокс жамияти аъзосиниз. Илмий маърузаларингиз катта-катта халқаро анжуманлар иштирокчилари томондан юқор баҳоланган. Айтинг-чи, тиббиётимиз раванги асосан нимага раволик деб ҳисоблайсиз?

— Бизнинг профессор-олимларимизнинг назарий салоҳияти, фундаментал билим-қўнималари ҳам катта миёнаси ташкил этадики, бундан дунё илм аҳли тан олмакда. Уз иқтисоди билан жумҳуриятимиз илм-фан равангига катта ҳисса қўшган академиклар У Оршов, К Зуфаров, Е Тўрақулов, В Воҳидов, профессорлар М. Мирзааҳмедов, Н. Аҳме-



Суратларда, II тиббиёт институти талабалари тест усулида имтиҳон топшираётган пайт ва компьютер хонаси тасвирланган.

дов, Н. Маждидов, К. Мирзаев каби тиббиёт илми фозиллари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Дарҳақиқат, олимларимизнинг донишлик билан ёзилган илмий ишлари, маърузалари катта-катта анжуманларда ўқилмоқда. Афсуски, моддий жиҳатдан етарли даражада таъминланмагани сабабидан бу кафиёт ва илмий ишлар самараси амалиётда кам сезилмоқда.

Шукрларимиз, истиқлол офтобидан нур эмаётган жумҳуриятимизда эл соғлиғи

ШАХСИЙ ФИКР КЕЧКИ ИЛМГОҲ ПУЛЛИК БЎЛСИН

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ҳар нарсанинг саргани саракка, пучанин пучаникка акратмоқда. Бундай бўлишни ҳаётнинг ўзи такозо этипти, албатта. Хозирги пайтда беҳуда ва бажарилмаётган ишлардан воз кечиб, унга кетаётган маблағни бошқа бир фойдали ишга сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлиши равшан бўлиб қолди.

Мен тилга олмақчи бўлаётган масала бу кечки мактаблар муаммосидир. Чунки аксарият кечки мактабдаги ёшлар фақат ҳужжат олиш учун, номинатга ўқишди. Кечки мактабларда давомат наст, баъзи жойларда йўқ ҳисоби. Лекин синф журналлари бийовидек тўлдирилиб, маошлар олинмаверади.

Жумҳуриятимизнинг кўп жойларида бўлганман, лекин, ростки, ҳеч бир ерда кечки мактабларга қайноқ иш кетаётганлигини кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам. Баъзи жойларда комиссия келиши арасида уйма-ўйиб юриб ўқувчи йиғин ҳоллари содир бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас...

Шу сабабли мен кечки мактабларда ўқиниш пуллик жорий қилиш зарур деб ўйлайман. Пули қўйилган кейин, талаба келиб дарсларда фаол қатнашишга мажбур бўлади. Бундан жамиятга ҳам, ўзига ҳам фойда бўлади. Дарс берадиган ўқитувчиларга эса тушган маблағ ҳисобидан ойлик белгилаш мумкин.

Шамсиддин Нур МУҲАММАД,
Сирдарё вилояти Шароф Рашидов тумани.

(Боши 1-бетда).

Кенгашида Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Иўдошев, вазири муовинлари И. Саиджонов, Б. Қодиров, М. Султонов, Х. Маъсудов, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Х. Иўдошев, қишлоқ хўжалиги вазири муовини Т. Набиев, Қорақалпоғистон Республикаси вазирилар кенгаши раисининг муовини Б. Юсупова, Қорақалпоғистон халқ таълими вазири Т. Атамуратов, Андижон вилояти ҳокими муовини Н. Саидов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ж. Халилов, Бухоро вилояти ҳокими муовини А. Халилов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Бахронова, Жиззах вилояти ҳокими муовини Г. Субҳонова, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш. Чилғашев, Қашқадарё вилояти ҳокими муовини Қ. Тўйчиев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи П. Бердиев, Навоий вилояти ҳокими муовини Х. Фахрутдинов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б. Асадов, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Н. Қозоқов, Самарқанд вилояти ҳокими муовини М. Бокиева, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Х. Нурмуродов, Сурхондарё вилояти ҳокими муовини М. Абдулқадир, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Э. Тангиров, Сирдарё вилояти ҳокими муовини С. Ғуломов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қ. Юсупалиев, Тошкент вилояти ҳокими муовини Х. Ҳамидов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тоқиев, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи М. Назарий ва республикадаги барча шаҳар, туман халқ таълими бўлими бошқармалари, вилоятлардаги қурилиш ташкилотлари ҳамда ширкат, агроноат бирлашмаларининг мутасаддилари, оталик ташкилотлари, жамоа хўжаликларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Қуйида бевосита мулоқот тафсилотини эътиборингизга ҳавола этамиз.

вонга мулоқотда мактаб қурилиши, боғча ва мактабгача тарбия муассасалари, умуман, илм даргоҳларини янги ўқув йилига тайёрлашда жиддий нуқсонлар ҳусусида батафсил фикрлар билдирилди, камчиликлар рўйрост очиб ташланди. Лекин юқорида эслатиб ўтилганидек, мулоқотда жойлардан бевосита ана шу нишга алоқадор мутасадди кишилар ҳам иштирок этишди. Хўш, улар бу масалага қандай ёндашапти. Камчилик ва нуқсонлар ўз ўрнида барҳам топаяптими?

— Ш. ЧИЛҒАШЕВ: — Бу йилги режага кўра 385 мактаб жорий, 71 мактаб эса янги таъмирлашдан чиқарилиши кўзда тутилган. Шу кунгача 7 та мактаб, 5 та боғча, 3 та мактабгача тарбия, 2 та ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ҳамда 1 та интернат-мактаби тўла таъмирлашдан чиқарилиб, янги ўқув йилига ҳозирланди.

Тўғри, болалар боғчаларининг қурилиши маблағ етишмаётганлиги боис сезилди билан бормоқда. Эндиликда вилоят ҳокими шахсан бу ишни назоратга олиб, жами материаллар учун давлат ҳисобидан 70 миллион сўм маблағ ажратди. Шунингдек, 32 тонна бўёқ, 133 куб метр тахта ва қурилиш материаллари олдик. Масалани жиддий ёндашилмоқда.

Август конференцияларини ўтказишга ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда. Китоблар масаласига келсак, 50 номдаги дарсликларни олиб тахт қилиб қўйиб-

ги ўқувчилар, муаллимлар дарслик ва дастурларини йўқитишдан, айримлари янги эса умуман етишмаслигини қайд этишмоқда. Бевосита мулоқотда иштирок этаётган маорифчиларимиз янги дарсликлар таъбир эканлигини эшитиб, тўғриси, жуда тўғри эди. Хуллас, набатдаги бевосита мулоқотгача барча камчиликлар юз фойда бўлмасада, катта қисми ижобий ҳал этилади, дея олам.

— С. ҒУЛОМОВА: — Сирдарё вилоятида мактабларни қайта таъмирлаш жорий янги таъмирлаш ишлари, оромгоҳларга ўқувчиларни жалб этиш кенг йўлга қўйилган. Айниқса, Ш. Рашидов, Боёвут, Оқ олтин каби туманларда амалга оширилётган ишлар таҳсинга лойиқ. Мана, ҳозир вилоятимизга тааллуқли бўлган айрим камчиликларга тўғри ёндашган ҳолда, мутасадди кишиларимиз хулоса чиқариб олишди, узоғи билан август ойининг биринчи ҳафтасида ҳамма камчиликларга барҳам берилади.

Таъкидлаш керакики, илмгоҳларни ўқув йилига тайёрлашда кўпгина етишмовчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, ойна масаласи биринчи галдаги муаммо бўлиб турибди.

— Э. ТАНГИРОВ: — Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда тасарруфимиздаги 720 илм даргоҳининг 668 таси жорий таъмирлашдан, 52 таси эса янги таъмирлашдан чиқарилиши кўзда тутилган. Шу кунгача уларнинг 86 таси янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди. Бу эса йиллик режанинг 3,1 фоизини ташкил этади. Болалар боғчаларида ҳам бу борадаги аҳвол ёмон эмас. Масалан, 3 та боғча жорий, 15 таси эса янги таъмирлашдан чиқарилади.

Янги илмгоҳлар қурилиши авваллари анча орқада эди. Улар сони 23 та бўлиб, айни кунда 4 та мактаб қолқоқлар маблағи ҳисобидан, 2 та мактаб эса жамоа хўжаликларини маблағи ҳисобидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Қуни кеча вилоят ҳокимининг кенгайтирилган мажлисида барча қурилиш ташкилотларидан вакиллар иштирок этишди. Мактабларни қуриш масаласи мутасаддилар зиммасига жиддий вазифа этиб юклатилди. Бу ердаги ахлшлуғга кўра, энг камида йил охиригача барча қурилатган янги мактаблар фойдаланишга топшириладиган бўлди...

— Ж. ИҮЛДОШЕВ: — Мана, ниҳоят, фикрлашиб ҳам олдик. Уларни таҳлил этадиган бўлсак, олдимиздаги муҳим ишларни гўё агроноат бирлашмаларининг мутасаддилари ёки бошқалар келиб бажариб берадигандай. Аслида эса ўзимиз қилишимиз лозим бўлган ишлар ҳам талайгина.

Президентимиз Ислам Каримов Сурхондарё вилоятида бўлганларида бошқа тармоқлар сингари у ердаги халқ таълими шохобчаларининг ҳам аҳволи оғир даражада эканлигини алоҳида таъкидлаганди. Сурхондарёдаги бундай камчиликлар, нуқсонларни ўз вақтида олдини олиш, тузатишга киришилди. Аммо бошқа вилоятларимиз халқ таълими тизимлари ҳам гуркираб бормоқда деб бўлмайди.

Янги ўқув йилига тайёргарлик қўришда вилоятларимизнинг барчасида ҳам жиддий нуқсонлар борлигини алоҳида қайд этмоқ лозим. Чунончи, Президентимизнинг фармонларига мувофиқ янги мактаблар, лицей ва коллежлар ташкил этиш масаласи ҳам ўзда-жўлда бўлиб ётибди. Маълумки, бунинг учун жойларда тадбирий ишларни олиб бориш, биноларни мослаштириб тайёрлаш, керакли маблағ ажратиш лозим. Хозирданқона ана шу ишлар бошлаб юборилмаса, кейин кеч бўлади.

Юқорида китоблар, дарслик ва дастурлар ҳусусида ҳам кўпгина фикрлар билдирилди. Лекин ана шу керакли қўлланмаларнинг узоқ вақтгача базаларда чанг босиб ётганлиги вилоят халқ таълимининг мутасаддиларини, туман халқ таълими бўлимларидагиларини нахоти, ташвишга солмас?

Яна бир масала ҳусусида тўхталмоқчиман. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ҳаммамизни қувонтирди. Аммо уни босқичмас-босқич бажариш ўрнига айрим нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳридан ота-оналар кўнрағи қилишиб, фарзандларидан, уларнинг келажак тақдиридан ташвишлишимизда, Баъзилари эса «энди болаларимизни пулга ўқитарканми-да» деган раамалар ҳам қилишган. Эътирозлар жуда тўғри. Фикримча, Қонуни амалга оширишда шопша-шошарлик билан иш тутишни оқибати ахшиликка олиб келмайди. Ўқувчи ўқини хоҳладими, марҳамат, лицей бўлмаса, оддий мактабда давом эттирсин. Лекин йиллар ўтгач, аста-секинлик билан ҳаммаси яхши бўлишини барчамиз тўғри тушуноғимиз даркор.

Энди оромгоҳлар, таътил давридаги ўқувчиларнинг тақдир ҳусусида жиддий фикрлар билдирилади деб ўйлаганим. Ҳужумратимизда 5,5 миллион нафар ўқувчи бўлишига қарамай, атиги 250-300 миң нафар ўқувчинга оромгоҳларга жалб этилганлиги кишини таажубга солади. Шунингдек, оромгоҳларда ўқувчиларнинг дам олишларини уюштириш, у жойларда ўтказиладиган тадбирлар ҳусусида ҳам кўнглидагидек жавоблар бўлмади. Шу ўринда бир мисола эътиборингизни жалб этмоқчиман. Утган йилги матълумотларга кўра, ўқувчиларимиздан 195 нафари тажароҳчи олиб, турли касалхоналарда даволаниб чиқдилар. 6 нафар бола автомобиль ҳалокатига учраб, ҳаётдан кўз юмди, шунингдек, ҳозир ҳам 191 нафар ўқувчи касалхоналарда шифо топмоқда. Бу эса кўча қондаларини яхши билмасликдан, автобиллардан сақланишда «Янги ғирок» мусобақаларининг йўлга қўйилганлигиндан далолат бериб турибди. Ниҳоят, бундай кўнглисиз воқеалар таътил даврида ҳам ўқувчи нарсда юрибди, нима иш билан машғул бўлаётганлигини назорат қилиб туриш кераклигини сиз ва биздан таътил этади.

Хуллас, таътил даврида қилнадиган ишларимиз жуда кўп. Янги ўқув йилини яхши қилишнинг учун барчамиз ҳам масъулиятини ҳис этмоғимиз лозим.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ оқда кўчирди.



СЕЛЕКТОР КЕНГАШИ: МАКТАБ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?

Энг долзарб масалалардан яна бири мактабларни янги дарсликлар билан таъмирлаш ва ўқувчига етказишдир. Таъкидлаш керакики, 1993-94 ўқув йили учун 350 номда янги китоблар тайёрлаш, умумий ҳисобда 28 миллион 307 миң нуска дарслик ва дастурлар ўқувчи қўлига етиб бориши лозим. Мактабларимизда фақат ўзбек миллати фарзандлари таълим олмай, рус, қозоқ, туркман, татар ва бошқа кўпмиллат вакиллари ҳам таълим олишади.


Уларга мўлжалланган дарсликларни жуда қийинчилик билан бошқа минтақалардан келтиришга мажбур бўлаемиз. Лекин шунга қарамай имкониятлар топилаяпти.

Эзги таътил даврида ўқитувчиларимиз амалга ошириши лозим бўлган масалалар жуда кўп. Масалан, август кенгашиларини олайлик, уни улоққилин, ҳамжиҳатлик билан ўтказиш даркор. Маълумки, ажудланган йилда жумҳурият-солномасида бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди. Буларни бирмабир санаб ўтиришнинг ҳоҳати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Чунки август кенгашиларини ўтказиш бўйича махсус тавсиялар жойларга юборилган, имоним комилки, педаголаримиз аллақачон бу ҳужжатлар билан яқиндан танишиб чиққан.

Вақт кўтиб турмайди, ҳадемай таътил ҳам тугаб, мактаблар кўчоғи ўқувчилар билан гавжумлашади. Юборилган тавсиялар орасида янги ўқув йилида биринчи дарси қандай ташкил этиш, нимадан бошлаш кераклиги ҳам алоҳида ўқитрилган. Анкироғи, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси биринч дарс сифатида ўқилиши кўзда тутилган. Ҳозирча анди бирор нарса айтиш қийин, аммо педаголаримизнинг бу масалага жиддий ёндашилшига, юборилган тавсияларга суянган ҳолда аниқ тадбирлар ишлаб чиқишларига ишонман.

— М. СУЛТОНОВ: — Янги ўқув йилига тайёргарлик қўриш, мактабларни таъмирлаш, янги илмгоҳлар қуришдаги нуқсонлар юқорида қайд этилди. Бу масалага қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, жойлардан олинган аниқ маълумотларга кўра, аҳвол ниҳоятда ёмонлашиб, муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, Жиззах, Навоий вилоятларидаги ишларни қўнғилдагидек дейиш қийин. Навоий вилоятида бирорта ҳам янги мактаб қурилгани йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилоятида ҳам аҳвол қўноқарли эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Хоразм, Тошкент каби вилоятлардаги жамоа хўжаликларини ҳисобдан қурилатган мактаблар ўз



ҳолига ташлаб қўйилганлиги маорифга, фарзандларимизга, уларнинг келгуси тақдирига бевари қаралаётганидан далолат бериб турибди.

Таъмирлаш ишлари ҳам қўнғилдагидек эмас. Таътил даврида 1100 мактаб, 555 та болалар боғчаси, 78 та мактабдан ташқари муассаса, 40 та мактаб-интернат, 18 та мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, 153 та хунар-техника билим юрталари ва 154 та ўқувчи-талабалар ётоқхонаси капитал таъмирлашдан чиқибди лозим эди. Афсуски, шу кунгача бажарилган ишлар кўлами 25 фойздан ошмайди.

Жойлар билан алоҳида бўлиб, нега бундай сусткашликка йўл қўйилганлигини сўралганда, моддий таъминотнинг ёмонлигидан илҳомланмоқда. Нима ҳам дердик, шароит оғир, бир нарсани топишнинг ўзи бўлмайди. Аммо қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейишди. Ўқув муассасаларини янги ўқув йилига ўз вақтида тайёрлаш мақсадида жойларда бўлиб, керакли материалларни етказиб турибмиз. Чунончи, 8600 тонна цемент, 1800 тонна қора металл, 400 тонна қувур, 3600 куб метр тахта, 635 куб метр фанер, 80 миң квадрат метр ДВП, 1128 квадрат метр шефер, 186 миң квадрат метр плитка, 65 миң квадрат метр линолуиум, 2 миллиард сўмлик ҳар хил жиҳозлар, 108 миң квадрат метр қора қоғоз келтирилди. Бешча керакли материалларни олиш чоралари ҳам қўрилмоқда.

Ишдаги сусткашликка вилоятлардаги туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари зарур қурилиш материаллари сўраб ўз вақтида мувожаз қилмаганликлари ҳам сабаб бўлмоқда...

Вазирликлар ҳамкорлигида ўтган бе-

миз. Оромгоҳларга биринчи мавсумда 2500 нафар ўқувчи жалб этилиши керак эди. Лекин кўзда тутилган режа бажарилмади. Бойси вилоят касаба уюшмаси керакли маблағни ўз вақтида етказиб бера олмайди. Қуни кеча вилоят ҳокими бу масалани ҳам ҳал қилиб берди. Ниқунинг мавсумда бу борада бизда нуқсонлар бўлмаслигига ишонаман.

— Б. АСАДОВ: — Навоий вилоятига тааллуқли кўпмиллат нуқсонлар қайд этилди. Тўғри, айрим камчиликларимиз мавжуд. Лекин икки-уч кундирки, ёппасига мактабларни таъмирлаш, синф хоналарини янги ўқув йилига ҳозирлашга жиддий киришилди. Янги мактаблар қуриш ишлари йил бошидаёқ бошланганлигига қарамай, қурилиш материаллари, керакли хомашининг йўқлиги туфайли аҳвол оғирлашиб қолганлиги рост.

Ниҳоят, имкониятлар излаб топилди. Қурилиш ташкилотлари, жамоа хўжаликларининг раҳбарлари ҳамда вилоят агроноат бирлашмасининг мутасаддилари билан ҳамкорликда нуқсонларни бартараф этиб, ҳеч бўлмаганда йил охиригача ижобий натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда.

— Т. АТАМУРАТОВ: — Бевосита мулоқотда республика халқ таълими ходимлари қаторида вазирлар кенгашининг муовини, кенгашининг бўлим мудири, ҳамда қишлоқ хўжалиги ташкилотлари мутасаддилари ўтиришибди. Аҳволимиз тағн эканлигини улар ҳам эшитишди. Тегишли хулоса чиқарилоқда, нуқсонларни эътироф этмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, июль ойини охиригача мактабларимизнинг барчаси таъмирлашдан чиқарилади, янги ўқув йилига жиҳозлаб қўйилади.

Китоблар масаласига келсак, бизда-

Ж. ИҮЛДОШЕВ: — Аввало, мактабларимизни ўз вақтида қайта таъмирлаш, ремонтдан чиқариш, янги илм даргоҳларини қуришда маҳаллий ҳукумат вакиллари, қишлоқ хўжалиги вазирилик тасарруфидаги ташкилотларнинг раҳбарлари мактаб иши, уни таъмирлаш ва қуришда жон кўйдиришга таянган экан, кўп миң соғал педаголаримиз номидан уларга ҳар қанча миннатдорчилик билдириш арийдим. Энди ана шу масала юзасидан асосий рақамларга аҳамиятни қаратсак.

Жорий йилда республикамиз бўйича барча маблағлар ҳисобига 115 миң 445 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 289 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди режалаштирилган. Шу жумладан, 53 миң 289 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 110 та мактаб маҳаллий ҳокимиятлар ҳисобидан, 35 миң 69 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 97 та мактаб вазирликлар ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан, 270 миң 87 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 77 та мактаб эса жамоа хўжаликларини маблағлари ҳисобидан қурилиб, фойдаланишга топширилди керак.

Ўтган беш ой мобайнида 45 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шундан 18 таси маҳаллий ҳокимиятларнинг саъй-ҳаракатлари билан, 3 таси вазирликлар ва ташкилотлар ҳисобидан, 19 таси эса жамоа хўжаликларини ҳисобидан қуриб битказилди. Бу кўрсаткичларни қониқарли деб бўлмайди, албатта, чунки йиллик режанинг атиги 15 фоизни бажарилди холос.

Бу жойлардаги халқ таълими тизимларининг буржумчи ташкилотлар ва пудратчи қурилиш ташкилотлари билан яқиндан алоқа ўрнатмаганлиги, гош муҳим масалага совуққонлик билан қараётганликларидан далолат.

Июнь ойининг биринчи ярмигача вилоятлардан олинган аниқ маълумотларга кўра мавжуд мактабларни жорий таъмирлаш, синфхоналарни янги ўқув йилига ҳозирлаш ишлари ҳам қўнғилдагидек эмас. Тўғри, Андижон, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида бу борада бирмунча амалий ишлар қилинган. Лекин бу билан барча мактаблар янги ўқув йилига тайёр бўлди, деган хулосага келмаслик керак. Болалар боғчалари, хунар-техника билим юрталарида ҳам худди шундай аҳволни қўриш мумкин.

Шун ўтанипти, вақт эса титиз. Ўйлайманки, жойлардаги халқ таълими бошқармаларининг бошқармалари, шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлими мудирилар бу долзарб ишга жиддий ёндашдилар.

— Т. НАБИЕВ: — Маориф ишларини яхшилаш, илм даргоҳларини талабалар даражасига олиб чиқиш биргина халқ таълими муассасаларининг эмас, ота-оналар кенгаши, жамоатчилик, давлат идоралари ва ташкилотлар, жамоа хўжаликларини ҳамда ширкатлар, концернлар, оталиқ ташкилотлари, ҳокимликлар, умуман, ҳамма-ҳаммамизнинг ишмизидир. Бу борада республика Президенти Ислам Каримовнинг бир дастур фармонлари ҳам чиқди. Лекин юқорида келтирилган рақамлардан ҳам қўришиб турибдики, ҳанузгача айрим раҳбарлар, айниқса, қишлоқ хўжалиги вазирилик тасарруфидаги кўпмиллат ташкилотлар мактаб иши, таъмирлаш ва янги бинолар қуришда масалага ўта совуққонлик билан ёндашмоқдалар.

Шунга қарамастан, маорифчиларнинг ўзлари, илганиб, имкониятлар топиб, таъмирлаш, синфхоналарни жиҳозлашда бошқаларга ўрнак бўлишга тили.

Албатта, нуқсонлар, камчилик ва муаммоларни кўплаб таъмирлаш мумкин. Лекин қуруқ гап имконият ҳам яратолмайди, бирор иш ҳам қилиб беролмайди. Бир аҳамият беринга, шу йилнинг беш ойи мобайнида биргина бошқа қўриш ишлари, йиллик режага нисбатан 22 фойзга бажарилди, холос. Ёки жамоа хўжаликлариданги ўнлаб болалар боғчаларининг ҳеч бир асосини, турли баҳоналарни рўқач қилиш билан ёпиб қўйилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Ушбу бевосита мулоқотда иштирок этаётган барча вилоятларнинг ҳокими муовинлари, қишлоқ хўжалиги ходимлари, ширкатлар ва агроноат бирлашмалари вакиллари шуни айтишнинг мумкинки, ҳар хил баҳоналар, турли вақторсонларни рўқач қилиш ўрнига, вазирликдан қандай ёрдам керак бўлса, зудлик билан ҳужжатларни етказиш ва қурилиш учун керакли материалларни олгач, жойларда масалага жиддий ёндашиш, мактаб қурилиши, педагоглар ва ўқувчиларнинг ёзги дам олишларини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоғи керак. Ана шундангина биз кўзланган мақсадга эришамиз, зиммамиздаги муҳим масалани ижобий ҳал қилган, фарзандларимиз ва мураббийларимизга кераклича шарт-шароитни яратиб берган бўламиз.

— И. САИДЖОНОВ: — Янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича юқорида кўп фикрлар билдирилди. Энди янги ўқув йилига тайёргарликнинг методик жиҳаддан ташкил этиш «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши ҳусусида ҳам икки оғиз фикрлашсак, бу масалага май ойидаёқ жиддий киришилган. Бундан ташқари шу масала юзасидан вазирлик қошида алоҳида шўббалар ташкил этилиб, ишнинг бориши назоратга олинган.

• Одобрнома

САЛОМ-АЛИК ТАОМИЛИ

Шарқона тарбия тамойилнинг таркибий узвларидан бири салом-алайқидир. Элимизда ахлоқ-одобнинг бу муҳим жиҳатини қадим-қадимдан фарсандларга жуда ёшлик чоғда риданқ ургатиш расм бўлган. Чунки салом бериб алайқ олиш ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг олий ифодаси ҳисоблана келинган. Бу одат жамиятнинг соғлом тарбия тошган ҳар бир аъзоси томонидан муқаддас тутилади ва унга оғишмай амал қилинади. Бирор асар, ёма ва оғзаки нутқ жараёни йўқки, унда салом сўзи иштирок этмаган бўлсин. Саломлашши одобига даъват қилиш барча мутафаккир ва мураббийларнинг диққатларини ҳам ҳаминша банд қилиб келган.

Саломлашши жараёнида қўлланадиган сўз ва бирикмаларнинг лугавий маънолари ва мазмундан уларда нақадар муқаддас эгу ният ифодаланиши уқилади. Арабча салима — (эсон-омон бўлмоқ, саломат қолмоқ) сақланмоқ (безарар юрмоқ) фетиҳдан ҳосил бўлган салом (ун) «тинчлик, хавфсизлик» саломатлик, эсон-омонлик; хотиржамлик; беҳудлик, қут-саодат» каби маъноларни аниқлатади. Салом бериб алайқ олишда қўлланадиган бирикма ҳам арабча ибора бўлиб, у икки шаклда айтилади ва икки шаклда унга жавоб қилинади. Агар салом бирик шаклда (бир кишига) берилса, «асалому алайқ» — «сенга саломатлик тилайман», дейилади. Салом қўлиш шаклида (кўп кишига ёки ҳурмат юзасидан бир кишига айтлса, «ас-салому алайқум» — «сизларга (сизга) саломатлик тилайман» ва бунга жавобан «ваалайқуму-с-салом» — «Сизларга (сизга) ҳам саломатлик тилайман», дейилади. Салом беришнинг бирик шакли муомалада нам ишлатилмади. Демак, салом-алайқ муомаласи воситасида кишилар бир-бирларига ахшилик, хайрли, эгу истакларини билдирадиган шарт, ёмонлик, ётузлик ниятлари йўқлигига кафолат берадилар.

кидича, салом беришдан кўзда тутилган асл мақсад салом беришнинг алайқ олувчига омонлик бераётгани, унга эминлик ато этаётгани, унга нисбатан ёмон нияти йўқ эканлигини баён қилишдан иборатдир. Ёмонлик қилиб жазолаш ҳам, хайр ажр бериш ҳам ўқунинг изн-ихтиёрига боғлиқ бўлади. Шунинг учун саломни аввал улуг бериши, алайқни эса кичик айтиши (олиши) керак. Улуг кичика салом берад экан, бу билан у кичикнинг эминлигига, бош омонлигига кафолат беради, кичик эса ундан ўз эминлигига кафолат олади. Саломлашнинг ҳозирги жорий таомилими ёки Юсуф хос Ҳожиб маслаҳат кўрган усулими тўғри эканлигини баҳо қилиш ўринсиз. Зеро, саломлашнинг шакллари турлича бўлиши табиий. Жумладан, муаллима синфга кириб ўқувчиларга, ўқитувчи аудиторияга кириб толиби илмларга, раҳбар мажлис ва турли йиғинларга тўпланган қўл остидаги ходимларига биринчи бўлиб салом беради. Шунингдек, ташқаридан кириб келган киши, кишидан қатъи назар, ичкарида ўлтирганларга биринчи бўлиб салом беради ва ҳоказо.

«Салом-алайқ» баҳсини Юсуф хос Ҳожиб ҳукмдор билан хизматта чорланган тақводор мунозараси асосида қуйидагича талқин қилади:

биларсан салом фазил артуқ улуг, ким ашшу ашуса ачар бу йўлуг.

мазмун:

биларсан, фазилат салом ичра мўл, биринчи ким айтса, очар унга йўл. мени кўрдуг эрса салам қилмадинг, бу фазилг муниг қали кулмадинг.

мазмун:

мени кўрган одам салам бермадинг, нега фазлу нафни раво кўрмадинг. януг берди ўзуриниш айдн салам, биллиб қилмадим мен энг ашшу улам.

мазмун:

жавоб берди ўзуриниш, айтди: салом, биллиб қилмадим аввал очиб калом.

салам ул кишика саламат йўли, салам қилди эрса урулди ули.

мазмун:

омонлик йўлидир салам ҳар маҳал, бўлар мушқуд иш ҳам салом бирла ҳал. салам ул кишика эминлик аман,

салам қилса утру эмин бўлди жам мазмун:

салом бирла одам эминдир, омон салом қилса бўлғай эмин тан ва жон аман берди эрқа салам қилгучи, саламат булудни алайқ алгучи.

мазмун:

омонлик этар бахш салом қилгучи, саломатлик олғай алайқ олгучи. салам ул саламат киши шарринга, саламатлик алди януг қилгучи.

мазмун:

саломдир омонлик одам айбига, омонлик топади жавоб қилгучи, улуглар керакким кичикка салам, ашудурса утру бўлур иш тамам.

мазмун:

уруглар кичикларга аввал салом, берад эрсалар гар бўлар иш тамом. кичиг бўлса эмин улуг шарридин, саламат бўлурса умуб хайридин.

мазмун:

кички бўлса эмин улуг қаҳридан, хотиржам умидвор бўлиб хайридан. менингим элигга қачан тегга шарр, кичикким кичигдин негу яси бар.

мазмун:

нечук бекка мендан ёмонлик этар, кичикким, кичикдан хатар йўқ, зарар. элиг элиг барча бузувча эгуви, негу кулса қилғай тулгулса юзун, мазмун:

ҳоқон қўли борлиқ эл узра этар, не истаса қилғай, газаб қилса гар, кўру бер қара бетга қилмас салам, бу маъин учун ул эй билли тамам.

мазмун:

назар сол, авом бекка қилмас салам, сабаб шу, эй нима мудом ногамом. бўлу бермадим ман сўзинг тутмадинг, бу аличн ажунқа узун бутмадинг.

мазмун:

бўйин бермадим ман сўзинг олмадинг, бу айёр жаҳонга назар солмадинг. таки йиғанур эрдим эжди сенга, саламин аман бердинг эжди менга.

мазмун:

ҳадик, таҳликада боқардинг сенга, салом бирла бердинг омонлик менга.

Қ. КАРИМОВ.



Ушбу ўйчан йиғит-қизларни кўриб хайрон бўлмаг. Ҳадемай, бу ёшлар, республикамиздаги миля-миляларча тенгдошлари қатори мустақил ҳаётга учирма бўлишди. Кимдир олий ўқув юртида ўқишини давом эттирса, яна кимдир завод-фабрикалар даргоҳига йўл олади. Лекин ўн бир йил ўқиб, қадрдон ва азиз маскан бўлиб қолган жонажон мактабларидан кетини осонмикан?

Суратда: пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 287-мактабининг битирувчи синф ўқувчиларини хайрлашув онларида кўриб турибсиз.

С. ҚОРАБОВЕВ сурати.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ МЕХНАТ ТАЪЛИМИ МУТАХАССИСЛИГИ БУЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН ЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртининг сиртқи бўлимига 10-11-синф маълумотига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, яқин ҳамдўстлик республикалари фуқаролари (шартнома асосида) қабул қилинадилар. Ўқиш муддати 2 йил 10 ой.

Педагогика билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширадилар: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086-У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, маъмурият томонидан тасдиқланган меҳнат дафтари-сидан кўчирма, 3х4 см ўлчамли 6 та фотосурат; паспорт қабул комиссиясига кирувчилар томонидан шахсан кўрсатилади.

Абитуриентлар қуйидаги кириш имтиҳонлари ни топширадилар:

Она тили (диктант), математика (оғзаки).

Ҳужжатлар 21 июнь 1993 йилдан бошлаб қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент 700081, Чилонзор тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, 27-уй. Метронинг Чилонзор бекати. Тел. 76-02-56.

А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ҚАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

- ### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
- ЎЗБЕК, ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРИ ВА АДАБИЁТ КАФЕДРАСИГА:**
- Кафедра мудири (фан доктори, профессор) — 1 ўрин.
 - Ўзбек тили (фан доктори, профессор) — 1 ўрин.
 - Ўзбек адабиёти (фан доктори, профессор) — 1 ўрин.
 - Чет тили ва адабиёти (фан доктори, профессор) — 1 ўрин.
 - Инглиз тили ва адабиёти (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.
 - Немис тили ва адабиёти (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.
 - Араб тили ва адабиёти (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.
 - Турк тили ва адабиёти (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.
 - Форс тили ва адабиёти (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.
 - Рус тили ва адабиёти (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.
 - Француз тили ва адабиёти (фан номзоди, доцент) — 1 ўрин.
 - Қозоқ тили ва адабиёти (катта ўқитувчи) — 1 ўрин.

ТАРИХ ВА УНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЕТИ КАФЕДРАСИГА:

- Кафедра мудири (фан доктори, профессор) — 1 ўрин.
- Профессор — 1 ўрин.
- Доцент (фан номзоди) — 2 ўрин.
- Катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичда қабул қилинади.
- Манзилгоҳимиз: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.

(Газетанинг навбатдаги сони 30 июнда чиқади).

Ш. БУРОНОВ,
Ўзур тумани.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Муҳтарам онажонимиз Уролой Инатуллаева!

Сиз 8 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб воёга етказган, ўқитиб-тарбиялаб, эл-юрт қаторига қўшган мўтабар инсонсиз.

Сизнинг таваллуд кунингиз биз фарзандларингиз учун энг улуг байрамдир. Ана шу қутлуг кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, бағри бутунлик, кўнгли хотиржамлик тилаб қоламиз. Бахтимизга ҳаминша омон бўлинг деб фарзандларингиз.

Жиззах вилояти Фориш тумани Гараша қишлоғи.

Қадри Халил Исаев ва Давид Сайфуддинов!

Сизлар узоқ йиллардан буён ёш авлодга сидқидилдан таълим-тарбия бериб, ўқитувчиликке сермашқат касбни шарафлаб келаятган фидойи инсонлардасиз. Бирингиз туманимиздаги 5-ўрта мактабда, яна бирингиз 26-ўқув даргоҳида меҳнат қилиб, обрў-эътибор топдингиз.

Сизларнинг қутлуг 60 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга соғлиқ-омонлик, узоқ умр, оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Челек туман халқ таълими бўлими жамоаси.

Ҳурматли Норкул Каримов!

Сизни Нуробод туманидаги 5-мак таб жамоаси, оила аъзоларингиз таваллуд топган кунингиз муносабати билан табриқлайди. Домо соғ-саломат, ўқувчиларингиз, фарзандларингиз бахтига бор бўлишингизни тилайди.

ЗАРУР ВА ЖОЗИБАЛИ

«Мактабгача тарбия» журналининг навбатдаги — 5-6-қўшма сонлари нашрдан чиқди. Унда қатор методик материаллар муносиб ўрин олган бўлиб, амалиётчи мураббийларга яқиндан ёрдам беради. Жумладан, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймоси билан таништирувчи машғулотлар (муаллифи З. Иброҳимов). Қўзон шахри халқ таълими бўлими ўқувчиси Мақсудхон Исроиловнинг «Бог сайли» ёғи сайл дастури сценарийси, кичиктойларнинг дастлабки математик тасавуруларини ривожлантириш бўйича машғулот намуналари (муаллиф М. Мўминова) босилган. Жиззах педагогика билим юрти муаллими А. Темировнинг «Қозондан тасвир ясаш» Д. Шарипова ҳамда Л. Семёноваларнинг «Орас-талиқ парваршиш» мақоалари ҳам ёритилган.

«Оила-боғча» рункида ота-оналарга фарзандларининг қизиқиш, қўбият, истеъдодини аниқлаб, ривожлантиришга йўналтириш юзасидан маслаҳатлар, Мухтор Худойқўловнинг «Саюқ сонлар суҳбати» шеърини асарини фарзандларга ўқиб бериш учун тақдим этилиши айна мудида бўлган.

Адабиёт ва таъриқчилик бўлимидан чиққан «Сусам-бил» рункидаги «Кундан топган йўмоқча» эртаги. «Гиря» рункидан «Дуқча эшон ҳикматлари», Раҳим Қодирнинг «Тарбия алма-шув» ҳажвиси, «Ватаннома» рункида Омон Мухторовнинг «Ғиждувон наволари», буюк аллома Абу Али ибн Синонинг Абдусодиқ Ирисов таржимасидаги «Маърифатчи ботир одам бўлади» сарлавҳали ҳикматлари, «Ўзбек мифологияси» рункида «Алваст» ҳақидаги ривоятлар қизиқарлидир.



ЭРТАК АЙТАЙ, ЖОНИМ БОЛАМ...

Она фарзандларини атрофига турнақатор тизиб қўйиб тўпчак сўзлайди.

«Бор эканда, йўқ экан. Қадим ўтган замонда катта битта қишлоқда Али ва Вали деган ака-ука бўлган экан. Уларнинг отаси Улиб кетган бўлиб, қари ва касал-маман оғас билан қолган экан. Улар жуда қашшоқ эканлар. Кунлардан бирида...»

Кичиктойларнинг маълумотида «хўрасида қизиқиб аломатлари зоҳир бўлади. Беғубор қўларини ҳайратдан катта очилади. Кенг ва улуг-ур оламнинг сир-синоидан болақай қалби воқиф бўла боради.

Она эса бир-бирдан қиз-қиз эртакларини айтишдан толмайдн. Кунлар шу зайлда ўтаверди. Онансор эртаклари билан боласининг қалбига эзулгани, одамийликни қоялайди.

Бу лаҳзани мен республика ўқитувчилар уйда бўлиб ўтган «Она эртаги — тарбия куртаги» деб номланган адабий-музыкаий композициядан келтирдим.

Композицияни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўқи-

тувчиси Муассар Мирсаидова билан биргаликда талаба қизлар таёбёрлашибди.

Дастур ниҳоятда қизиқарли ва ран-баранг. Эртакчи буви эртакларни асосидаги «Али ва Вали», «Зумрад ва Қиммат», «Ялмоғиз кампир», «Уй, уйча» эртаклари талабалар талқинида жуда қизиқарли намойиш этилди.

«Мактабгача тарбия» факультети талабаларининг «Али ва Вали» эртаги асосидаги сахна асари айнакча қўчликланча манзур бўлди. Рус тилузи тайёрлаган «Уй, уйча» кўпирчоқ театри диққатни жалб этди. Шунингдек, бошланғич таълим методикаси факультетининг «Зумрад ва Қиммат», Чилонзор туманидаги 439-боғча тарбияланувчилари ва тарбиячилари ижросида «Ялмоғиз кампир» эртаги ҳам интиқарли. Бу ўринда улар эртакда янгича ёнашганликларни диққатга сазовордир. Масалан, «Зумрад ва Қиммат» эртагидаги Қиммат салбий образ ҳисобланар эди. Эртаклардаги «Ялмоғиз кампир» ҳам. Ақсича бу ерда Қиммат ижобий образ. Этай онанинг зугумларидан қон

қақшаган Зумрадди Қиммат юатади. Унинг ёнини олиб, онасининг қазабидан сақлашга уринади.

439-боғчадагилар бу асари сонини яхши гап билан, яхшилик билан тарбиялаш мумкин, деган гоғни илгари сурди. Олжаноб қизларнинг баъзмини хатти-ҳаракати, шунингдек ибратомуз сўзлари туфайли ялмоғиз кампирнинг ҳам тош қалби эрийди, улар кўрсатган «Ялмоғиз кампир» эртагида.

Адабий-музыкаий тадбир-ка институт бадий ҳаваскорлари, жажжи боғча тарбияланувчилари ижро этган дилрабо куй-қўшиқлар, дилбар рақслар янада файз қўшиб, жозоба бағишлади.

Мактабгача тарбия факультети толибаларининг талқини энг яхши ижро деб баҳоланди.

Тадбирни ўтказишда актив фаолият кўрсатган қизларга эсдалик совғалари ва гуллар тақдим этилди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳаммаининг иши. Унинг кўркам камолдини гард юқтирмай сақлаб қолиш, бойликларини, тегаш ва қўпайтириш ҳар бир кишининг ирсоний вазифасидир. Бу ишдан ўқувчилар ҳам четда турмаслиги лозим. Ёшлар онгига маънавий фазилатлар, ахлоқ, одоб тушунчаларини сингдириш билан бирга экологик муҳит, табиатни қўриқлаш гуйёусини шакллантириш — ўқитувчининг вазифаси.

«Маърифат» рўзномаси саҳифаларидан босилган (1993 йил 3 март сони) «Синфдан

Экологик тарбия

ва мактабдан ташқари тарбиянинг ишлар концепциясида ҳам экологик тарбияга эътиборни қучайтириш белгилаб берилган.

Мактабимизда биология, жуғрофия, табиатушнослик дарсларининг ўқитилиши доимо экологик таълим ва тарбияга боғлаб олиб борилади. Баъзан дарслар синф-хўрада эмас, балки табиат кўчарида ўтказилади. Чунки атрофимиз кир-адирлар билан ўралган яйловлардан иборат.

Мен ҳам она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларни бу мавзуга жалб этишга интиламан. Уларнинг эрқин фикрлашларига имкон яра-таман. Ривов, тасвир, муҳокама матнлари; сўзлашув, бадий, публицистик услублар ва предмет тасвири сингари мавзуларни ўтиш даврида экологик муаммолар ҳақидаги «Она табиатни ас-

ТАБИАТНИ ЭЪЗОЗЛАШ—БУРЧИМИЗ

райлик!», «Орол — мададга муҳтож», «Табиат ва келажак», «Қушлар — қанотли дўстимиз» каби мавзуларда фикрлашаман, ўй ва ташвишларини тинглаймиз. Баъзан дам олин кунлари экскурсияга чиқамиз. Кейин ўқувчилар ўз таассуротлари асосида экологик тарбияга боғлиқ мавзуда ишчи ёзишадн. Бундай машғулотлар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқи ўсишига ижобий таъсир этмоқда.

Яқинда IX синф ўқувчиларидан бири то довларининг камайиб кетаётганини ташвишланиб сўзлади. Ҳақиқатин ҳам ўйлаб қоласан, киши. Атрофимизда доривор гилёҳлар талайгина, аммо улар ҳам ерданга муҳтож. Уларнинг йилдан-йилга тури, сифати йўқоляпти. Шунингдек, кўркам манзарали Чанғароқ қирларида кўплаб ҳайвонлар, қушлар яшайдн, доривор гилёҳлар ва pista дарахтлари ўсади. Бирон

саёқ очилар ва чўпонлар томонидан улар ҳам озор чеканеради. Ўқувчилар ҳам шу каби муаммолар тўғрисида ташвишланиб гапирдилар.

Келажакимиз давомчилари экология, табиат софлигини қўриқлаш борасида бурчдорлик сезсалар, бу тарбиявий ишнинг самараси, албатта. Бу борда янада фаоллик ва жонқурлик билан иш тутсақ, ҳар бир дарсни атроф-муҳит муаммоси билан боғлиқ тарзда йўналтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ш. БУРОНОВ,
Ўзур тумани.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Хаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239, 117209 нусхада босилди, ҳақми — 2 босма табоқ, Offset усулида босилган, қозоқ битчиси А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.

Босишга топширилди — 20.00.